

ШАРТНОМА № ____

Турар жой-маиший мажмуа қурилишига инвестиция қўйилмаси тўғрисида

Тошкент ш.

"__" ____ 2023 йил

“GLORIOUS-BUILD” МЧЖ (кейинги ўринларда «Қурувчи») номидан Низом асосида иш юритувчи директор А.М.Маннабов, бир томондан ва фуқаро _____ жисмоний шахс сифатида ҳаракат қилувчи (кейинги ўринларда «Инвестор») иккинчи томондан, кейинги ўринларда “Томонлар” деб аталувчи, ушбу Шартномани (кейинги ўринларда “Шартнома” деб юритилади) қўйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Қурувчи» ўз кучлари билан ёки бошқа пудрат ташкилотларини жалб этиб, Тошкент в., Зангиота тумани, Шифобахш сув кўчаси 7а уй ҳудудда қўйи қаватларида Савдо Маиший Мажмуаси жойлашган кўп қаватли уй-жой мажмуасини (кейинги ўринларда «Объект») қуриш ва объектни фойдаланиш учун топширишга рухсатномани, Объектнинг кадастр ҳужжатларини олганидан кейин уни Инвесторга нотариал тасдиқланган Шартнома тузиш орқали ўтказиб бериш мажбуриятни ўз зиммасига олади, Инвестор эса қурилиш учун ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда инвестиция қўйилмаларини амалга ошириш ва инвестиция Объектини ўз мулкига қабул қилиш мажбуриятини олади.

1.2. Инвестиция Объекти қўйидаги хонадон ҳисобланади:

№	Қават	Блок	Хонадон тартиб рақами	Тақрибий майдони кв.м.	

Тарафлар инвестициялаш объектнинг умумий майдони лойиҳавий (тақрибий) эканлиги ва бутун уй-жой қурилиши пайтида кўпайиш томонига ҳам, камайиш томонига ҳам ўзгариши мумкинлиги тўғрисида келишиб олидалар. Хонадоннинг якуний майдони қурилиш битганидан кейин, Тошкент ш. Ер тузилиши ва кўчмас мулк кадастри хизмати бошқармасининг ўлчовлари асосида аниқланади.

1.3. Инвестиция объекти инвесторга нотариал тасдиқланган шартнома тузиш орқали ўтказиб берилади. Инвестор томонидан харид қилинаётган турар-жой майдонида қурилишнинг давлат экспертизасидан ўтказилган ишчи лойиҳасида белгиланган архитектура ва конструкция талабларини бузмаган ҳолда пардозлаш ва бўяш ишлари бажарилиши мумкин. Ушбу ҳолатда Инвесторнинг кадастр ҳужжатларидаги нотариал шартнома олингандан кейинги ўлчовлар, шунингдек қайта лойиҳалашдан кейинги ўлчовлар Қурувчи томонидан ҳисобга олинмайди.

1.4. «Инвестор» ички пардозлаш ва махсус монтаж (пардозлаш, бўяш) ишларини “Қурувчи” ва “Инвестор” ўртасида тузилган алоҳида Шартнома асосида ўз ихтиёрига кўра бажаради ва бу ишларнинг қиймати ушбу Шартномага киритилмаган.

1.5. Уй-жой қурилишини тугаллаш муддати 2025 йилнинг 4-чорагига режалаштирилган. Ишга тушириш ва фойдаланишга топшириш муддатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилади.

Ушбу мажбуриятни бажариш учун тўсқинлик қилувчи Қурувчининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар вужудга келган тақдирда, уй-жойни ишга тушириш ва фойдаланишга топшириш муддати ўзгартирилиши мумкин.

Маннабов А.

ИФО

2. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 2.1. Инвестициялаш Объектининг қиймати бир квадрат метр учун ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда _____ (_____) сўм ҳисобидан келиб чиқиб ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда, _____ (_____) сўм миқдорида белгиланади.
- 2.2. Шартноманинг умумий суммаси лойиҳалаш, қурилиш, ишга тушириш ва фойдаланишга топшириш ишлари учун сарфланган, шунингдек “Қурувчи” томонидан уй-жой майдонини сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ўз ичига олади.
- 2.3. Ушбу Шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган Объект қиймати қатъий ҳисобланмайди ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига (Солиқ қонунчилигининг ҚҚС га тааллуқли қисмига) киритилган ўзгаришларга ва инвестициялаш Объектининг кадастр ишида кўрсатилган умумий майдонига боғлиқ тарзда қўшимча келишув имзоланиши орқали ўзгартирилиши мумкин.
- 2.4. Инвестор томонидан инвестиция қуйилмаси пул маблағларини депозит/жамғарма ҳисоб варақдан, нақд пул шаклида (ёки пластик картадан) Қурувчининг банк ҳисоб рақамига ўтказиш орқали амалга оширилади.
- 2.5. Инвестиция қуйилмаси Инвестор томонидан қуйидаги тартибда киритилади:
- инвестиция қуйилмасининг олдиндан тўлови умумий сумманинг 25% (132 000 000 сўм Бир юз ўттиз икки миллион) ушбу шартнома тасдиқланганидан кейин 20 кун мобайнида;
 - инвестиция қуйилмасининг қолган суммаси олдиндан тўлов ўтказилганидан кейин 1-иловадаги келтирилган жадвал бўйича;
- Инвестиция қуйилмаси киритилганлиги кирим касса ордерининг қвитанцияси, тўлов қабул қилинганлиги тўғрисида банк белгиси қўйилган тўлов топшириқномаси, банкнинг Қурувчи ҳисоб рақамига пул ўтказилгани тўғрисидаги кўчирмаси билан тасдиқланади.
- 2.6. Шартнома бўйича тўловларга оид барча банк йиғимлари ва харажатлар “Инвестор” ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.7. “Қурувчи” шартнома бўйича олинган маблағлардан ҳар қандай чекловларсиз эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. “Қурувчи” ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:
- 3.1.1. Қурилиш ишларини бажариш ва инвестициялаш объектини Давлат қабул комиссиясига ушбу Шартноманинг 1.5.-бандида белгиланган муддатда тақдим этиш. Қурувчи ўз мажбуриятларини муддатидан аввал тугатишга ҳақлидир.
- 3.1.2. Инвестор шартнома бўйича ўзининг молиявий мажбуриятларини тўлиқ бажарган ҳолда Давлат қабул комиссиясининг Объектни қабул қилишга оид далолатномаси тасдиқланганидан кейин 2 (икки) ой мобайнида, шартнома бўйича якуний ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилгач, Инвесторга нотариал тасдиқланадиган шартномани тузиш ҳамда шу асосда Инвесторнинг ушбу Объектга эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун барча зарур ҳужжатларни тақдим этиш.
- 3.2. “Қурувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 3.2.1. Пудрат ишларини бажариш муддатларини давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг қўшимча талабларини бажарилиши муносабати билан бир тарафлама ўзгартириш. Бу ҳолда «Қурувчи» қурилишнинг ва ўтказиб бериш муддатининг кечикиш сабабларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятини олади.
- 3.2.2. Агар Объект қурилишини Шартномада белгиланган муддатда тугатиш имконияти мавжуд бўлмаса, Қурувчи кўрсатилган муддат тугашидан камида 1 ҳафта олдин Инвесторни қурилишни тугатиш муддати ўзгарганлиги тўғрисида ва Объект қурилишини тугатиш муддатини узайиши тўғрисида огоҳлантирилади.
- 3.2.3. Инвестор томонидан шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар хонадоннинг ўтказиб берилишини тўхтатиб туриш.
- 3.2.4. Инвестордан олинган инвестиция қуйилмасини (пул маблағларини) ўз ихтиёрига қўра, ҳар қандай чекловларсиз эркин тасарруф этиш.

3.2.5. Ушбу Шартноманинг 2.5-бандида кўрсатилган муддатларда ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушмаган тақдирда ушбу Шартномани бир тарафлама судсиз тартибда бекор қилиш.

3.2.6. Инвестициялаш Объектининг қийматини қайта кўриб чиқиш (ушбу Шартноманинг 2.3-бандига мувофиқ).

3.2.7. Қурувчи инвестиция қуйилмаси бўйича ўз ҳуқуқларини Қурувчи билан келишилмаган ҳолда учинчи шахсларга ўтказиб берилиши ва унинг оқибатлари натижасида келиб чиқадиган Инвесторнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

3.2.8. Инвестор Қурувчи томонидан олинган шахсий маълумотларга ишлов берилишига ва фойдаланилишига, Қурувчидан ахборот реклама маълумотларини смс хабарнома, телефон мулоқоти, электрон почта орқали, шунингдек Қурувчи имкониятидаги бошқа усулларда олишга ўз розилигини билдиради.

3.3. Инвестор ўз зимасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

3.3.1. Объект қурилишига инвестиция қуйилмасини ушбу Шартномада, унинг иловаларида ва қўшимча келишувларда кўзда тутилган миқдорда ва муддатларда киритиш.

3.3.2. Қурувчининг тегишли хабарномасини олганидан кейин 10 (ўн) кунлик муддат ичида инвестициялаш Объектига нотариал тасдиқланган Шартнома тузиш ва Объектни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилиб олиш. Ана шу пайтдан бошлаб Инвестор қабул қилиб олган хонадонга эгалик қилиш ва фойдаланиш билан, шунингдек коммунал хизматлар ва эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари бўйича тўловлар билан боғлиқ барча жавобгарликни эгаллаб турган майдонида мутаносиб тарзда ўз зиммасига олиш.

3.3.3. Инвестор томонидан хонадонни қабул қилиб олиш муддатлари узрли сабабларсиз бузилган ҳолатда Қурувчи хонадонни Инвесторга лозим тартибда ўтказиб берган бўлиб ҳисобланади. Қурувчидан қабул қилиб олиш тўғрисидаги хабарнома олинган пайтдан бошлаб 10 кун ўтгач, хонадоннинг бут сақланиши учун Инвестор тўлиқ жавобгар бўлиб ҳисобланади. Ҳамда 2-иловада келтирилган.

3.3.4. Инвестор хабарномани олганидан кейин 2 ой давомида нотариал тасдиқланган шартномани тузмаган тақдирда, Қурувчи бир тарафлама судсиз тартибда ушбу Шартномани бекор қилиш, ёки объектни учинчи шахсларга сотиш ва 6 ой мобайнида киритилган инвестиция қуйилмасини Инвесторга қайтариб бериш ҳуқуқига эга бўлади.

3.3.5. Нотариал тасдиқланган Шартномани расмийлаштириш билан, шунингдек ушбу Шартнома бўйича хонадонни Қурувчидан Инвесторга ўтказиб берилишини Давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар Инвестор ҳисобидан амалга оширилади.

3.3.6. Квартирани харид қилиш билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган барча солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни тўлаш.

3.3.7. Инвестор Объектга эгалик ҳуқуқи расмийлаштирилмагунча Қурувчи билан келишмасдан сотиб олинаётган хонадон ичида ҳар қандай ишларни бажариш ҳуқуқига эга эмас. Мазкур ишларни бажаришга оид таваккалчилик хатари, бу ишларни келишиш ва тегишли органларда рўйхатдан ўтказиш тўлиғича Инвестор зиммасидадир.

3.4. Инвестор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ушбу шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган суммани тўлиқ молиялаштириш тартибида муддатидан олдин киритиш.

3.4.2. Мунтазам равишда, камида ҳар ойда 1 марта, асосли зарурат пайдо бўлган ҳолатларда эса Қурувчидан унинг фаолият соҳасига аралашмаган ҳолда Объектнинг қурилиши тўғрисида маълумот олиш.

3.4.3. Инвестор юқорида кўрсатилган маълумотлар ўзи учун етарли эканлигини ва Шартномани тузиш ҳамда ўзининг инвестициялашдаги иштирокига оид таваккалчиликка асос бўлганлигини тасдиқлайди. У ўзинининг ҳозирги ва бўлғуси молиявий ҳолатини етарли даражада баҳолаб, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш имкониятини тасдиқлайди.

3.4.4. Инвестор инвестициялаш Объекти жойлашган туманнинг ижтимоий ва экологик ҳолати тўғрисида етарли маълумотга эга эканлигини тасдиқлайди.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Қурувчи:

4.1.1. Қурилишни тугатиш муддати ўзгарган тақдирда Қурувчи Инвесторни Шартноманинг шартларига мувофиқ қурилишни тугатиш муддати ўзгаргани тўғрисида хабардор этиш мажбуриятини олади.

4.1.2. Қурувчи томонидан пеня тўланганлиги уни ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

4.1.3. Қурувчи Инвесторнинг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

4.2. Инвестор:

4.2.1. Агар тўловлар 10 (ўн) кундан ортиқ муддат давомида кечиктирилса, Қурувчи Инвесторнинг манзилига ёзма хабарнома юбориш шarti билан Шартномани бир тарафлама судсиз тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолда Инвестор томонидан киритилган инвестиция қуйилмаси Шартнома бекор қилингандан кейин 60 кун мобайнида Инвесторга пеня ва бошқа харажатлар чегириб қолинган ҳолда тўлиқ қайтарилади.

4.2.2. Инвестор ушбу Шартноманинг 3.3.2-бандида кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин хонадон жавобгарлик остида сақлаш учун Қурувчи томонидан қабул қилинади. Жавобгарлик остида сақлаш учун харажатлар ҳар бир кун учун Шартнома суммасининг 0,01% миқдорида, аммо Шартнома суммасининг 10% дан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳисобланади ва Инвестор ҳисобидан қопланади.

4.2.3. Шартнома Инвестор ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда, у Қурувчига Инвестор томонидан амалда киритилган пул маблағларининг 10% миқдорида жарима тўлайди.

4.2.4. Ушбу Шартнома Тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилинган тақдирда, киритилган пул маблағлари Инвесторнинг банк ҳисоб варағига Шартнома бекор қилинган пайтдан бошлаб 60 кун мобайнида қайтарилади.

4.2.5. Қолган тўловини, пеня ва жаримани ундириш Шартнома тарафларининг мажбурияти эмас, ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади.

5. ФОРС-МАЖОР ВАЗИЯТЛАРИ

5.1. Енгиб бўлмас куч вазияти вужудга келганлиги сабабли тарафлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолда жавобгарликдан озод этилади. Енгиб бўлмас куч деганда, хусусан, табиий офатлар. Оммавий тартибсизликлар, ҳукумат органларининг тақиқловчи хатти-ҳаракатлари, ҳарбий ҳаракатлар, давлат ҳокимияти органларининг ушбу шартнома шартларини бажарилишига имкон бермайдиган тарзда вақтинчалик тақиқ қўйиши, кўрсатма ёки фармойиш чиқариши, ёки юридик шахсларга уй-жой сотиш бўйича вақтинчалик чекловлар қўйилиши ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар англашилади.

5.2. Енгиб бўлмас куч сабабли Шартнома шартларини бажара олмаган Тараф 20 (йигирма) кун мобайнида бошқа тарафни ёзма равишда форс-мажор вазияти юзага келгани тўғрисида хабардор этиши зарур. Йирик авария туфайли тарафларнинг шартнома бўйича мажбуриятлари ана шу ҳолат амал қилиб турган, аммо 60 (олтмиш) кундан ортиқ бўлмаган муддатга кечиктирилади. Форс-мажор вазияти давом этган давр мажбуриятларни бажариш муддатига киритилмайди.

6. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

6.1. Инвестор ушбу Шартномадан келиб чиқадиган ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини Қурувчининг ёзма розилигини олган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда учинчи шахсга ўтказиб бериши мумкин.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ҳуқуқлар ўтказилгани тўғрисида Инвестор уч кунлик муддат ичида ёзма равишда Қурувчини хабардор этиши зарур. Қурувчининг ёзма розилиги олинмаган бўлса, Шартнома бўйича ҳуқуқларни талаб этиш тўғрисидаги келишув ҳақиқий ҳисобланмайди ва инвестициялаш Объектига нисбатан учинчи шахслар учун ҳеч қандай ҳуқуқ ҳосил бўлишини келтириб чиқармайди.

6.3. Инвестор инвестициялаш Объектига нисбатан эгалик ҳуқуқини ушбу Объект Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб олади.

6.4. Инвестор вафот этганлиги, дом-дараксиз йўқолгани эътироф этилган ҳолатда унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда меросхўрларига ўтади.

6.5. Кадастр хизмати ўлчовлари натижаларига кўра инвестициялаш Объектининг майдони ошган деб топилса, Инвестор бир квадрат метр майдон ҳисобига белгиланган қиймат миқдоридан келиб чиқиб қўшимча пул маблағларини қўшимча келишув тузилганидан кейин 5 кун мобайнида Қурувчининг ҳисоб рақамига киритиши зарур.

6.6. Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш натижаларига кўра инвестициялаш Объектининг майдони камайган бўлса, Қурувчи қийматдаги фарқни бир квадрат метр майдон ҳисобига белгиланган қиймат миқдоридан келиб чиқиб қўшимча келишув тузилганидан кейин 5 кун мобайнида Инвесторнинг банк ҳисоб варағига ўтказиб бериш мажбуриятини олади.

6.7. Нотариал шартнома тузилганидан кейинги, шунингдек хонадон қайта лойиҳалаштирилгандан кейинги кадастр хизматининг ўлчови натижалари Қурувчи томонидан ҳисобга олинмайди.

7. МОЖАРОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Шартнома юзасида ёки унга боғлиқ равишда вужудга келадиган можаролар умумий юрисдикция судларида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал этилади.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Шартнома Тарафлар имзоланган пайтидан бошлаб кучга кириди ва Шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунча ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблар яқунлангунча амал қилади.

8.2. Шартноманинг шартлари билан боғлиқ барча қўшимча келишувлар ёзма равишда ушбу шартноманинг қўшимча келишувлари тарзида расмийлаштирилиши ҳамда Тарафларнинг ишончли вакиллари томонидан имзоланаши шарт, бундан бир тарафлама судсиз тартибда бекор қилиш ҳолати истисно этилади. Акс ҳолда келишувлар ёки оғзаки қарорлар ушбу Шартнома шартларига ҳеч қандай ўзгариш кирита олмайди.

8.3. Шартномани бажариш жараёнида Тарафлар бир-бирига юборган барча хабарномалар, маълумотлар ушбу Шартномада кўрсатилган шаклда ва қайд этилган манзилга жўнатилади.

8.4. Шартнома фақат ҳар икки тарафнинг ўзаро ёзма розилиги асосида бекор қилиниши мумкин, бундан ушбу Шартноманинг матнида тўғридан-тўғри кўзда тутилган бир тарафлама бекор қилиш ҳолатлари истисно этилади.

8.5. Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

8.6. Шартнома Тарафлар томонидан лозим даражада бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда (енгиб бўлмас куч ҳолатидан ташқари), яъни: реквизи́тлар, амалдаги манзил, паспорт маълумотлари, телефон рақами, электрон почта ва ҳ.к. ўзгарганда Тарафлар бир-бирларини 5 кун ичида ана шундай ҳолат юзага келгани ёки содир бўлиши мумкинлиги тўғрисида хабардор этиш мажбуриятини оладилар. Ана шундай маълумотлар

мавжуд бўлмаган ҳолда, Шартномада кўрсатилган манзил бўйича юборилган ёзма хабарнома
етказиб берилган ва Инвестор хабардор деб ҳисоблаш учун асос бўлади.
8.7. Шартнома тенг юридик кучга эга бўлган икки нусхада тарафларнинг ҳар бири учун бир
нусхадан тузилди.

9. ТАРАФЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛЛАРИ

«Общество»	«Дольщик»
ООО «GLORIOUS-BUILD» г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Гулабод5, дом 2а. р/с 20 214 000 605 559 846 001 в «IPOTEKA Bank» АТБ,Мехнат филлиали Шайхонтахур ВХМ. МФО 00423 ИНН 309796657 ОКЭД 41201 Директор Маннабов А.М._____	Серия: _____ выданный: проживающая по адресу: обл. _____ ИНН: Тел: +998 _____

2023йил “__” __ №__ сонли
қурилишда улушбай иштирок
этиш шартномасига 1-илова
шартноманинг ажралмас қисми саналади

«Инвестор» томонидан сотиб олинаётган турар жой майдони нархининг тўлов

_____ Маннабов А.

_____ ИФО

ЖАДВАЛИ

№	Тўлов вақти	Тўлов суммаси (сўм)
1	_____2023 йил	

Сумма: _____

2023йил “___” _____ №___ сонли
қурилишда улушбай иштирок
этиш шартномасига 1-илова
шартноманинг ажралмас қисми саналади

**«Инвестор» ва «Қурувчи» нинг турар жой майдони ичида ва ташқарисида
пардозлаш ишларини амалга ошириш бўйича мажбуриятлари**

Хоналар орасидаги бўлинма деворлар: Қурувчининг ҳисобидан амалга оширилади
ва бу шартноманинг умумий қийматига таъсир қилмайди.

Умумий фойдаланиш майдони эшиклари ва хонадонга кириш эшиги: Хонадонга
кириш эшиги, 2 қаватли шиша пакетли ромлар ва Турар жой майдонидан ташқарида
умумий фойдаланиш майдонларнинг (йўлакларнинг) барча эшиклари Қурувчи томонидан
ўрнатилади.

Пардозлаш ишлари: лойиҳа бўйича Қурувчи томонидан тўлиқ амалга оширилади -
бинонинг фасад қисми, вестибюль, зинапоялар, лифт майдончалари. Объект
майдонларининг ичида бошқа барча пардозлаш ишлари, Инвестор ҳисобидан амалга
оширилади.

Электромонтаж ишлари: барча жойлардаги ички тармоқлар, қаватларга электр
тақсимловчи шитларни тўлиқ ўрнатиш, шунингдек умумий фойдаланиш жойларига ёритиш
ва бошқа мосламаларни ўрнатиш, ҳовлидаги электр таъминоти билан тўлиқ электромонтаж
ишлари Қурувчи томонидан амалга оширилади. Объект майдонларини ички электр
таъминоти “Инвестор” ҳисобидан амалга оширилади.

Иситиш ва совутиш тизими: Қурувчи томонидан турар жой майдонини иситиш учун
иikki контурли иситиш мосламаси тақдим этилади.

_____ Маннабов А.

_____ ИФО